O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Қонун ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ—ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

*1996 ЙИЛ 30 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН* | 1999 ЙИЛ 2 *МАРТ*, СЕШАНБА | № 9 (109) | Сотувда эркин нархда

***Энг катта орзуим — менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!***

**Ислом КАРИМОВ**

*Faxriya*

## СИЗ БИЛАН БИРГАДИР ХАЛҚ — ЎЗБЕКИСТОН!

*Халқ севгай ким бўлса халқпарвар раҳбар,*
*Сиз миллат фахрисиз, эй олийназар.*
*Сиз дарё, халқ сизга қўшилгувчи сел,*
*Халқ Сиз деб доимо бойлагайдир бел.*
*Озод ва ҳур диёр лутфингиздан шод,*
*Халқ Сиздан миннатдор эрур умрбод.*
*Сиз халқни севдингиз айлаб садоқат,*
*Ҳам элга бердингиз бахту саодат...*
*Сиёсат, адолат ва иқтисодда,*
*Сиз миллат рамзисиз боқий ҳаётда.*
*Эл аро топдингиз обрў-эътибор,*
*Ўзи мададкордир пок-парвардигор.*
*Бу ёруғ оламда ҳар давру замон,*
*Бўлгай элу юртда доим ҳукмрон,*
*Юксалиш кўйида кетиб жуда паст,*
*Ғанимлар айлади Сизга суиқасд.*
*Биров савлатини соя айлагай,*
*Биров эзгуликни ғоя айлагай.*
*Сиз-чи? Ўзбекистон бўлиб мустақил,*
*Давлатни бошқариб турибсиз дадил!*
*...Буюклар юрмагай илинж ахтариб,*
*Ва лекин юз минглаб сарсону ғариб,*
*Шаҳидлар қайтмади жанг майдонидан,*
*Жафокаш ўзбек ҳар хонадонидан,*
*Бедарак йўқолди ё бўлди қурбон,*
*Уларни хотирлаб ҳар тирик инсон,*
*Ҳурматин жойига қўймоғи зарур -*
*Дединг из, халқ туйди юракдан ҳузур!*
*Марҳумлар руҳини шод этган одам,*
*Яратган лутфидан бўлмас асло кам!*

*Шаҳидларни эса доим хотирлаб,*
*Ёдини сақлайлик дилда муҳрлаб,*
*Бугун Мустақиллик майдони аро,*
*Бир она турибди мунгли, ғамсаро!*
*Фарзандларин кутиб ёки соғиниб,*
*Мангу олов эса ўчмагай ёниб.*
*Ўн икки вилоят, мухтор жумҳурий,*
*Ва шаҳри Тошкентни истиқлол нури*
*Ёритиб, шаҳидлар рўйхати қатор,*
*Ўн тўртта ёдгорлик тикламиш меъмор!*
*Ва улуғ Юртбоши ғурур-ла ошкор,*
*Дедилар: «Ғалаба деган сўз бекор -*
*Тўққизинчи майни бу йилдан бошлаб,*
*Кутайлик на сархуш, на кўзни ёшлаб,*
*«Хотира-қадрлаш» - куни десак соз,*
*Тирик қолганларни айласак эъзоз!*
*Ўтганлар хотирин бизлар этсак шод,*
*Бизни ҳам этишгай келажакда ёд!»*
*Бундай оқибатни юрт аҳли шодон,*
*Қўллаб-қувватлади барчаси бир жон.*
*Мамлакат ташвиши бошингизда гар,*
*Бунчалар одилсиз, бунча халқпарвар!*
*Кўплар эполмагай оддий рўзғорин,*
*Баъзилар шод агар тўйғазса қорин.*
*Сиздан ўрнак олиб бўлиб дилпазир,*
*Ишласа агар ҳар ҳокиму вазир,*
*Қасамёд этаман, тезда тиклаб қад,*
*Ўзбекистон бўлгай буюк мамлакат!*

**Олимжон БЎРИЕВ**

***Бугун Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган кун***

## РИЗҚ-РЎЗИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Кундалик турмушимизни нонсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳар бир ўзбек хонадонида болаларга нонни эъзозлаш, ноннинг уволидан қўрқиш, уни беҳуда исроф қилмаслик зарурлиги тез-тез уқтириб турилади.

Афсуски, айрим жойларда бу азалий удумларимизни унутган баъзи бир лоқайд кишилар ризқ-рўзимиз бўлган ғалла майдонларини чорва моллари пайҳон қилишига йўл қўймоқдалар. Хусусан, яқинда Тошлоқ тумани прокуратураси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан мутахассислар иштирокида текширишлар ўтказди. Текширишлар натижасида тумандаги М.Эргашев, «Оқ олтин» номли жамоа хўжаликларида эндигина ердан униб чиққан буғдой пайкалларини айрим кимсаларнинг бепарволиклари оқибатида чорва моллари пайҳон қилгани аниқланди. Бундай пайҳонгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида жойларда назорат постлари ташкил қилинди. Лекин дала назоратчиларининг фаолиятини ҳали кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Жумладан, «Ахшак» қишлоқ фуқаролар йиғинининг қарорига кўра 4 та назорат постлари ташкил этилган бўлиб, назорат қилиш учун 22 та қоровул тайинланган эди. Қоровулларнинг сусткашлиги оқибатида пайҳонгарчиликка йўл қўйилди ва туман прокуратураси томонидан 40 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик иши қўзғатилди. Албатта, чора кўриш билангина иш битмайди. Буғдой пайкаллари нобудгарчилигининг олдини олиш учун биринчи галда жойларда тушунтириш ишларини изчил олиб боришимиз керак. Ҳар бир хонадон бошлиқлари фарзандларимизга ризқ-рўзимиз бўлган ғалла майдонларини эҳтиёт қилишни, уларнинг увол бўлишига сира йўл қўймасликни тушунтириши ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Э.ОДИЛОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Фотомухбир Н.Алмуродов олган суратларда амалий учрашув-машғулотдан лаҳзалар тасвирланган.*

*Amaliy mashg'ulotlar*

## АКАДЕМИЯ ТИНГЛОВЧИЛАРИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ТАНИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси «Давлат ва жамият қурилиши» факультетининг тингловчилари ўқув даргоҳида олаётган назарий билимларини амалиёт билан мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида бўлдилар.

Тингловчиларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Сирожиддин Мирсафоев қабул қилди ва уларга вазирликнинг мамлакат мустақилликка эришгандан кейинги амалий фаолияти, давлатимиз ҳуқуқий базасини яратишдаги иштироки, адлия ва суд идораларида ислоҳотларнинг бориши, уларнинг таркиби ва ташкилий масалаларда эришилган ютуқлар ҳамда мавжуд муаммолар хусусида батафсил сўзлаб берди.

- Адлия вазирлиги, - деди жумладан вазир, - мамлакатимиз танлаган ва йўлбошчимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган одилона халқчил сиёсатни ҳаётга татбиқ этишда муҳим бўғин ҳисобланади. Халқ хўжалиги, иқтисодиёт, жамоат ва диний ташкилотлар биргаликдаги ҳамда чет эл инвестициялари билан боғлиқ тадбиркорлик, аудиторлик, нотариал ва фуқаролик ҳолатларини ҳуқуқий расмийлаштириш каби бир қатор соҳаларда қонун дастаклари бекамукўст ишлашини таъминлайди. Ҳуқуқ тарғиботи, аҳоли ҳуқуқий онги ва маданияти шаклланишида мувофиқлаштириш амалиётини бажаради, ҳуқуқий-маърифий ўқув, юристлар малакасини ошириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш сиёсатини амалга оширади. Вазирлик суд ислоҳотларини ўтказишда кенг кўламли ташкилий фаолият кўрсатади. Республикамиз қонунлари, қонун ости актлари, ҳуқуқий-нормативҳужжатлар қабул қилинишида фаол иштирок этади, уларни рўйхатдан ўтказади, қонун қабул қилиш ташаббуси билан чиқади, уларнинг муҳокамасида қатнашади, ҳуқуқий хулосалар беради. Ҳозирги кундаги муаммолардан бири одил судлов ва адвокатлик фаолиятини халқаро даражага кўтаришдир.

Вазир тингловчиларга қонунийлик, демократия ва адолат мезонини яратишда республика ҳуқуқшунослари йўлбошчимиз ва ҳукумат билан яқдил эканлигини таъкидлади.

- Мақсадимиз ҳуқуқий демократик, эркин фуқаролик жамияти қуриш экан, - давом этди у, - ҳар қандай таъсир ва тазйиқлардан қатъий назар, замон ва макон билан ҳамнафас давлат учун юртбошимиз атрофида бирлашиш, собитлик ва бирдамлик, жипсликни доимий ҳамроҳ қилиш, атрофимизда шундай муҳит яратишдан иборатдир.

Амалий ўқув-машғулотида Адлия вазирлиги Қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи Хуршид Содиқов, Халқ хўжалигида ҳуқуқий ишлар бошқармаси бошлиғи Носир Абдураҳмонов, Жамоат бирлашмалари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жалолбек Абдусатторов, Ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бошлиғи Исматулла Маманов, Хўжалик субъектларига шартномавий муносабатларда ёрдам кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Давлатназар Матрасулов ва бошқалар иштирок этдилар ва тармоқ фаолиятлари билан тингловчиларни батафсил таништирдилар, уларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Амалий машғулот тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Академия проректори, профессор Озод Хусанов, кафедра мудири, доцент Худойқул Азизовлар бу ҳақда ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

Тингловчилар бевосита вазирлик таркибий тармоқлари хизмат хоналарида, «Адолат» нашриётида, «Ҳаёт ва қонун» журнали ҳамда «Инсон ва қонун» газетаси Бирлашган таҳририятида бўлдилар, жонли мулоқот-танишув давом этди. Амалиётчи ва тингловчилар ўзаро фикр алмашувлар таъсирида хайрлашдилар.

**Адлия вазирининг матбуот хизмати**

## МУРОСАСОЗЛИК

*«Inson va qonun» tig'i*

***«Жиззах транс»га қарашли 21, 26-автокорхоналар оёғига тушов бўлмоқда***

Зомин туманидаги 26-автокорхона — очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 180 киши меҳнат қилади. Бугунга келиб автокорхона иш ҳақининг ўзидан 5 миллион 200 минг сўмлик қарздор. Ҳайдовчиларнинг ҳар биридан ўртача 20-30 минг сўмдан қарздорлик (иш ҳақининг ўзидан) юзага келиб қолган. Кўп йиллардан буён корхонада меҳнат қилиб келаётган ҳайдовчилар билан суҳбатлашсангиз дилингиз хуфтон бўлади. Мана, эшитинг:

***Раҳматулла Отабоев, ҳайдовчи:***

- 19 йилдан буён шу жамоада ишлайман. Чернобиль ҳалокати қатнашчиси сифатида 2-гуруҳ ногиронниман. Оилада 6 жонимиз. Иш ҳақимга ўтган йил январида 700 сўм аванс, йил охирига келиб 20 дона совун олдим, холос. Корхона 27 минг сўм иш ҳақимдан қарздор. Турли баҳоналар билан пенсиямни ҳам ўз вақтида ололмаяпман. Ойлик маош вақтида берилмаслиги туфайли Мурод Жалматов, Икром Муқимов сингари тажрибали ҳамкасбларим ишдан кетишга мажбур бўлишди.

***Хайрулла Шерматов, ҳайдовчи:***

- Юк автомашинаси ҳайдайман. Жуда кўп вақтимиз иш йўқлигидан, бекор туриш билан ўтаяпти. Ойлик маошимизни ўз вақтида ололмаяпмиз.

***Акбар Маматов, ҳайдовчи:***

- Жамоамиз ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади. Менда ҳам номинал қиймати 500 сўмлик 30 дона акция бор. Лекин ойлик маошни ҳам бера олмаётган автокорхонамизнинг дивидент тўлашга қурби етармиди?

Хўш, муаммонинг илдизи қаерда? Шуни айтиш керакки, автокорхонанинг кўрсатган хизматлари эвазига тумандаги хўжалик, ташкилот ва муассасаларида дебиторлик қарзлари миқдори ошиб кетган, 33 миллион 116 минг сўмни ташкил этмоқда. Айниқса, тумандаги қишлоқ хўжалик корхоналари катта миқдорда қарздор бўлиб қолган. «Наврўз» хўжалиги 6 млн. 234 минг, А.Тоиров хўжалиги 2 млн. 994 минг, тумандаги бошқа 19 та хўжалик 21 миллион 99 минг сўм қарздор. Ачинарлиси шундаки, автокорхона ана шундай йирик миқдорда қарзларини ундиришни ўйламаяпти. Аммо хизмат кўрсатишни давом эттираяпти. Бундай муросасозлик автокорхонани ҳар жиҳатдан «чўктириш»га олиб келмоқда. Ишчиларга ойлик маош, дивидент ва бошқа тўловлар навбат кутиб ётибди. Бу каби иллатлар шартномалар хом-хатала, шунчаки расмиятчилик учун тузилаётганлиги оқибатидир.

Яна бир муаммо: автокорхонада 70 та юк, 55 та автобус, 8 та енгил автомашина мавжуд. Сўнгги ўн йилда деярли янги техника олинмаган. Мавжуд автомашиналар эса эскирган. 9 та юк автомашинаси, 4 та автобус аллақачон фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган. Аммо улар автокорхона бўйнида харажатлар юки бўлиб келмоқда. Уларни рўйхатдан чиқаришга эса нима учундир ҳеч ким қўл урмайди.

Мирзачўл туманидаги 21-сонли автокорхона очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг ҳам мавжуд 125 та автотранспортидан асосий қисми йўналишларга чиқарилмаяпти. Бунга асосий сабаб - нефть корхоналаридан катта миқдорда кредиторлик қарзининг вужудга келганлигидир. Умумий дебиторлик қарзи ҳам 35 миллион сўмни ташкил этмоқда. Аниқ тадбирлар дастури бўлмагач, ишда унум ва самарадорлик бўлмаяпти. Мазкур жамоа кўпгина соҳада муаммолар гирдобида қолиб, боши берк кўчага кириб қолган.

Номинал қиймати 500 сўмлик бўлган 45 минг 783 дона чиқарилган акциянинг атиги 3 минг 556 донаси сотилгани ҳам ҳақиқий аҳволнинг қай даражадалигидан далолат бериб турибди.

Етарли меҳнат шароитининг йўқлиги одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир. Масалан, токарлик цехида иситиш батареялари ишламайди. Токарь В.Каннинг айтишича, икки йилдан буён иш ҳақига нақд пул олгани йўқ. Фақат ўтган йил кузда озгина миқдорда ун ва гуруч беришган, холос.

- Автокорхонада 15 минг сўмлик иш ҳақим турибди, - дейди ҳайдовчи Қ.Рисбеков, - номинал қиймати 500 сўмлик 11 та акциямга дивидент тўлашмаяпти.

Пайвандчи Э.Эрназаров ҳам ўзидаги акцияларга дивидент ололмаётганидан нолиди.

Шуни айтиш мумкинки, ҳар икки автокорхона раҳбарларида давр билан ҳамнафаслик ҳисси етишмаётган кўринади. Акс ҳолда меҳнат кишиларининг ҳалол пешона терлари билан ишлаб топилган иш ҳақларини вақтида тўлолмасдан, улар нонини «туя» қилмаган бўлардилар. Бу аҳволга «Жиззахтранс»даги мутасаддилар нима дейишаркин?!

**Абдуманнон АЗИМОВ,**
**журналист**

## BUGUNGI SONDA:

**БОЙСУНДА БЕВАҚТ КЕСИЛАЁТГАН АРЧАЛАР...** *2-БЕТ*

**ДЕҲҚОН-ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАНДАЙ?** *3-БЕТ*

**«ФЕРУЗА» ДЕГАНИ ФИРИБГАР ЧИҚДИ** *4-БЕТ*

*Bizning musohaba*

## ҚОНУНГА ҲУРМАТ — БУРЧИМИЗ

***Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Қобил ҲАМРОЕВ билан суҳбат***

**- Қобил Шароповичч, маълумки қонунларни ҳурмат қилиш, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий принципларидан биридир. Вилоят аҳолисининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасидаги ишлар хусусида гапирсангиз?**

- Мамлакатимизда шу кунга қадар 300 дан ортиқ янги қонунлар қабул қилинди. Уларнинг кўпчилиги ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида ўз амалий самарасини бермоқда. Аммо эндиликда ниҳоятда муҳим масала пайдо бўлди: давлат қонунлари, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг асл моҳияти, мазмуни халққа, ҳар бир фуқарорга онгига етиб бораяптими? Улар қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатлардан хабардорларми?

Тан олиш лозимки, бу соҳадаги ишлар талаб даражасида эмас. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражада ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда одамларда қонунларга ва норматив ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва шулар орқали амал қилган тақдирдагина, яшайди ва рўёбга чиқади». Шу боис аҳоли ўртасида давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий сиёсатининг ҳуқуқий моҳиятини тарғиб қилиш кенг йўлга қўйилмоқда. Республикада ўнлаб ҳуқуққа оид газета ва журналлар, жумладан, вилоятимизда ҳам «Адолат нури» газетаси чоп этилаётир.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг тамал тоши қонун устуворлигига эришишдир. Шу боис аввало, аҳолининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, бунинг учун эса жамиятда ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг юқори бўлишига эришмоғимиз керак. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида вилоят адлия бошқармаси ва унинг жойлардаги идоралари кенг қамровли тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Айниқса, ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази томонидан олиб борилаётган ишлар ибратли. Марказ ишлаб чиққан режа асосида корхона, муассаса, ташкилотларнинг ҳуқуқий маслаҳатчилари, ҳокимликлар ходимлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари учун махсус ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

Бундан ташқари хўжаликларда шартномавий муносабатларни тўғри йўлга

*(Давоми 3-бетда)*

*Qaror va ijro*

## ҚОРОВУЛ БОР, ЛЕКИН ЭКИНЗОР ПАЙҲОН?!

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори бу соҳадаги ишларни янада жонлантиришга қанот бахш этди. Андижон вилоят ҳокимлигида қарордан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Машариф Юсупов бошқарди. Унда вилоят прокурори Уммatали Шамсиев ва вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Дилмурод Оқмирзаевларнинг вилоятда экинларни пайҳон қилишга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотлари тингланди.

Дарҳақиқат, вилоят прокуратураси ва ички ишлар идоралари томонидан қонун бузишликларнинг олдини олиш ва аниқлаш мақсадида вилоятда 197 та кузатув пости ташкил қилинган. Уларда фаолият кўрсатаётган милиция ходимлари ҳамда жамоа ва ширкат хўжаликларида экин майдонларини қўриқлашга жалб қилинган 1477 нафар дала қоровуллари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажаришмоқда.

Аммо кўрилаётган чораларга қарамасдан, экинзорларни пайҳон қилиш фактлари ўтган йилга нисбатан кам бўлса-да, афсуски, ҳамон учраб турибди. Масалан, пайҳонгарчилик ҳолатларига Избоскан, Пахтаобод, Андижон ва Марҳамат туманларида дуч келинди.

Вилоят прокуратурасидан маълум қилишларича, 1998 йилнинг 11 ойи мобайнида 308 та пайҳонгарчилик ҳолати аниқланган. Бунда хўжаликларнинг 5,2 гектар ери пайҳон қилинган ва 467 минг сўм моддий зарар етказилган.

Прокуратура идоралари томонидан пайҳонгарчиликнинг олдини олиш ва унда айбдор бўлган шахсларга нисбатан 198 та прокурорлик таъсир чоралари қўлланилиб, жиддий қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга нисбатан 4 та жиноят иши қўзғатилган.

*(Давоми 2-бетда)*

# ҚОРОВУЛ БОР, ЛЕКИН ЭКИНЗОР ПАЙҲОН?!

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Таъкидлаш жоизки айрим хўжалик раҳбарлари экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш борасида масъулиятсизлик қилмоқдалар. Балиқчи туман Сойиббоев номли ширкат хўжалиги аъзоси Г.Мўминованинг қаровсиз қолдирилган уч бош қорамоли уюшманинг ўн гектарлик буғдойзорига оралаб, майсаларини пайҳон қилинишидан 25500 сўм миқдорида моддий зарар етказилган. Туман прокурори томонидан Г.Мўминовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 198-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, иш судга оширилгач, айбдор 3 йил ахлоқ тузатиш жазосига ҳукм этилди.

Шаҳрихон туманидаги «Мулла Пўлат» номли деҳқон-фермер хўжалиги ҳудудидаги буғдой экилган майдонга И.Маъмуровнинг тўрт бош қаровсиз қолдирилган қорамоли кириб, тадбиркор хўжаликка 34 минг 425 сўм миқдорида моддий зарар етказган. У жиноий жавобгарликка тортилиб, суд ҳукми билан 60 минг сўм миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди.

Қўрғонтепа туманидаги Тўхтағул номли жамоа хўжалиги раиси А.Рустамов эса пайҳонгарчиликнинг антиқа усулини қўллаган. Кўм-кўк яшнаб турган 30 дона чинор, 203 дона теракларни ноқонуний равишда кесдириб юборган, табиатга 305 минг сўм зарар етказилган. А.Рустамовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, у жавобгарликка тортилди.

Андижонликлар халқ ризқ-рўзи бўлган экинзорларнинг пайҳон қилинишига қарши курашни янада кучайтириш чораларини кўрмоқдалар.

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

# ЖАРИМАГА ЎРИН ҚОЛМАСИН

***Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси махсус ишлар бўлимининг бошлиғи Саидмурод САПАРОВ билан суҳбат***

**- Биз ҳуқуқий давлат қуришга фаол киришганмиз. Айни пайтда бу борада фуқароларимиз барчаси ҳам етарли маълумот, тушунчаларга эга, дея олмаймиз. Суҳбатимиз аввалида давлат бюджетининг шаклланиши ҳақида тўхталсангиз?**

- Ҳар бир давлат ўз ички ва ташқи фаолиятини амалга оширишда кучли молиявий сиёсатга таянади. Бу - молиявий маблағлар ва уларни шакллантиришдан иборатдир. Бунга эса солиқлар ҳамда солиқ сиёсати ёрдамида эришилади.

Давлат бюджетига маблағлар корхоналар ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар ҳисобидан йиғилади. Давлат бюджетининг асосий қисмини корхона ва ташкилотлардан тушадиган маблағлар ташкил этади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди, савдо ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг сони ортиб бормоқда. Улар мажбурият асосида ўз даромадларининг бир қисмини давлатга тўлаб, муайян даражада бюджетга ижобий таъсир кўрсатади. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш эса давлатга катта иқтисодий зарар келтиради. Шунинг учун ҳам бундай ҳаракатлар қораланади ва айбдорлар мавжуд қонунлар асосида маъмурий-молиявий ҳамда жиноий жавобгарликка тортиладилар.

**- Солиқ ташкилотларига бу хусусда қандай ҳуқуқлар берилган?**

- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 264-моддасига асосан давлат солиқ органларига савдо ва хизмат кўрсатиш, бозорларда савдо қилиш, ёнилғи мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, тарқатиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш қоида-тартибларни бузган, шунингдек, харидор ва буюртмачиларни алдаган, солиқлар ва бошқа йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш каби маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ҳамда уларга маъмурий жазо чоралари қўллаш ҳуқуқи берилган.

Маъмурий жариманинг миқдори ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқади. 1998 йил мобайнида вилоятда солиқ қонунчилигига риоя қилиш юзасидан 12275 текшириш ўтказилди. Бундан 8569 ҳолатда солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган 8865 шахсга нисбатан маъмурий жарима қўлланилди ҳамда давлат бюджетига ундирилди. Жаримадан асосий мақсад ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдан иборатдир.

**- Жарималарни ундириш тартиби қандай?**

- Жарималар жарима солиш тўғрисидаги қарор чиққач, 15 кундан кечиктирилмай тўланиши лозим. Жариманинг солиқ ходимлари томонидан бевосита ундирилиши тақиқланади. У халқ банклари бўлимларига тўланади. Жарима белгиланган муддатда тўланмаган тақдирда бу ҳақдаги қарор уни мажбуран ундириш учун айбдорнинг иш ёки ўқиш жойига юборилади. Агар у ишламаса ёки ўқимаса, жарима айбдорнинг шахсий мулкидан ёки унинг умумий мулки ҳиссасидан мажбурий ундириш учун халқ судларига юборилади ва суд ижрочилари томонидан амалга оширади.

МЖТКнинг 334-моддасига мувофиқ айрим жарималар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинган жойнинг ўзида ҳам ундириб олиниши мумкин. Кодекснинг 283-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарима ундиришда баённома тузилмайди. Жариманинг миқдори эса энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан ошмаслиги лозим.

**- Қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортишда нималарга асосланилади?**

- Қонунга риоя этмаган шахсларни жавобгарликка тортишда содир этилган ҳаракатнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, етказилган зарарнинг миқдори, айрим ҳолларда эса ҳуқуқбузарлик ҳаракатларининг такроран содир этилиши асос қилиб олинади.

Кодекснинг «Солиқлар ва бошқа тўловлар тўлашдан бўйин товлаш» ҳақидаги 174-моддасида фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан етти бараваригача маъмурий жарима белгиланган.

Харидор ва буюртмачиларни алдаш ҳолати содир этилганда миқдор энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмини ташкил этса, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 187-моддасига биноан жавобгарликка тортилади.

**- Энди амалга оширилаётган ишлар, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида гапириб берсангиз?**

- Вилоят давлат солиқ бошқармаси махсус ишлар бўлими ва унинг жойлардаги суриштирувчилари томонидан 1998 йили амалга оширилган ишларга келсак, 287 жиноят аломатларига оид материаллар кўриб чиқилган. Шундан 112 таси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди, 59 тасига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, 35 ҳужжат юзасидан текшириш олиб борилмоқда.

Суриштирувчиларимиз томонидан эса юздан ортиқ жиноят иши қўзғатилиб, лозим топилганлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Ундан ортиқ жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. 16 жиноят иши бекор қилинди.

Қонунбузарликни айбдорни жавобгарликка тортиш билангина камайтириб бўлмайди. Юнон файласуфи Арасту: «Жиноятларнинг олдини олиш - бу аввалambор бузуқ ва ақлга зид бўлган одатлар билан курашдир, яъни жамиятни шундай қуриш керакки, у ақлга зид бўлган, бузилган ахлоқ, урф-одатларга қарши курашсин», деганда минг карра ҳақ эди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш борасида катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу, энг аввало, қонунлар устуворлигини таъминлаш демакдир. Буюк немис мутафаккири Гей айтганидек: «Қонунларга бўйсунмаслик ўзини нажотбахш ҳимоядан маҳрум этиш демакдир».

**Суҳбатдош:**
**Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ**

Ҳақ ва tahlil

# АЙБСИЗ «АЙБДОР»МАН

## АЙБДОР ЭСА ТОМОШАБИН

Ҳурматли таҳририят! Мен 1998 йил 24 октябр куни «Москвич» русумли автомашинамда онам Шакарова Янглиш, опам Шакарова Улбозор, поччам Тинибеков Тойир, қўшним Ўролов Муносиблар билан Челак тумани Унлан қишлоғи томон кетаётган эдик. Қарама-қарши йўналишда Самарқанд томонидан тахминан 110-120-километр тезликда машина келиб йўлимга ўтиб, менинг машинамга урилди. Мен эса соатига 40-50 километр тезликда ўз йўлимда кетаётган эдим. Автофалокат натижасида менинг кўкрак қафасим машина рулига қисилиб, жароҳат олдим. «Жигули» ҳайдовчиси воқеа жойидан қочиб кетди. Бошқа одамлар ёрдамга келишди. Онам ва опамни шифохонага жўнатишди. Мени Челак тумани марказий шифохонасига олиб келиб, ичган-ичмаганлигимни аниқлаш мақсадида тиббиёт кўригидан ўтказишди ва маст деган хулоса беришди. Шу куни онам Шакарова Янглиш тўқнашишда олган тан жароҳати оқибатида вафот этди. Сўнгра... айбдор «Жигули» ҳайдовчиси Мамасафаров Тўлқин қолиб, Челак тумани ички ишлар бўлими тергов-чиси мени айбдор деб топди ва жиноий жавобгарликка тортди.

«Жигули» ҳайдовчисининг айби билан онам ҳалок бўлди, опам ва поччам тан жароҳати олди, менинг машинам зарарланди. Жиноят ишида воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси бўлиб, унда тергов-чи А.Амонов ДАН ходимлари Б.Раҳмонов ва Р.Ҳусайновлар иштирокида воқеа жойини кўздан кечирган дейилган. Ваҳоланки, ДАН ходимлари воқеа содир бўлган жойда бўлишса-да, чизма тайёрлашда иштирок этмаган, шунинг учун баённомага Р.Хусайнов мажбуран қўл қўйиб, Б.Раҳмонов умуман имзо чекмаган.

Гувоҳ Липатов Валентин Викторович деган шахс «Жигули»нинг ёнида келаётган бўлиб, машина 110-120 км/соат тезликда «Москвич» машинасини уриб кетди, деб кўрсатма берган. Бошқа гувоҳлар ҳам шу тариқа кўргазма беришган.

Менинг иш бўйича берган шикоят-аризаларим инобатсиз, жавобсиз қолди. Фақат мени айблашга уринишдан ўзга ҳеч нарса бўлмади. Фалокатни содир этиб, қочиб кетган Мамасафаров Тўлқин айбсиз, ўз йўлимда кетаётган мен айбдор бўлиб қолдим. Шу адолатданми? Менга ёрдам беринг.

**Абдураҳмон ШАКАРОВ,**
**Самарқанд вилояти**
**Самарқанд тумани,**
**Хўжа қишлоғи**

***ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли Абдураҳмон Шакаров! Аввало, бир нарсани таъкидлашимиз жоизки, хатингизни ўқибоқ Сизни айбсиз деган фикрни айтишдан йироқмиз. Автофалокат содир бўлган, оқибатда одам ўлган (ким бўлишидан қатъий назар) жароҳат олганлар бор, тарафларга катта миқдорда моддий зарар етказилган. Бу ҳолда жиноят аломатлари мавжудлиги нақд. Тасодиф деган оқловчи ҳолатни чегириб ташлаш керак.***

***Демак, кимдир айбдор? Лекин у ким? Билдиришингизча, тиббиёт вакиллари Сизни маст, спиртли ичимлик истеъмол қилган деган мазмунда хулоса беribди. Хулосанинг нақадар тўғри-нотўғрилиги бизга қоронғу. Лекин ҳатто шахс маст ҳолатда бўлса ҳам бу жиноятда, айни ҳолатда автойўл фалокатида айбдор дегани эмас. Айбдорликни мастлик белгиламайди, балким аниқ ҳаракат ёхуд ҳаракатсизлик белгилайди. Маст одам машинани бошқарганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Лекин у кўча-йўл ҳаракати қоидасини бузмаган, ўз йўлида нормал тезликда ҳаракатланаётган бўлса, иккинчи бир шахс маст бўлмаса-да, ўз йўлидан эмас, чизиқни кесиб ўтиб бошқа бировни уриб кетса, шубҳасиз у жиноятда айбдордир. Бу ерда маст одам бошқараётган машина, ўз йўлида кетаётган маст ёки касал одам қатори бўлиб, уни уриб кетган айбдор. Шунингдек, Сизнинг «мухолифингиз» йўлда ҳаракатланишда хавфли вазият юзага келганда чап тарафга, яъни қарама-қарши ҳаракатланувчи транспорт йўлига эмас, имкон қадар ўнгга олмоғи қоидалар талабидир. Буни барча ҳайдовчи яхши билади. Тўқнашув ҳолатида воқеа жойидан қочиб кетиш, жабрланганларга ёрдам кўрсатмаслик алоҳида муҳокама қилинмоғи ва баҳо олмоғи лозим.***

***Хуллас, биз Сизнинг аризангизда воқеани билдиришингиз асосида жавоб тайёрладик. Жиноят ишидаги материаллардан воқиф эмасмиз ва танишиш имкониятига ҳам эга эмасмиз. Балким ҳақиқий ҳолат ўзгача бўлса, тўқнашув йўлининг Сизга қарама-қарши қисмида содир бўлган бўлса, юқоридаги фикрларимиз Сизни ҳеч ҳам оқламайди.***

# ТИЛИ БОШҚА-Ю, ДИЛИ БОШҚА

Рўзибой Давронов Қашқадарё вилояти Касби туманидаги савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконлардан бирига мудирлик қилади, иймон-эътиқод, ҳалоллик ҳақида гап кетганда ўзини мақтаб, унча-мунча одамга гап бермайди. Яқинда унинг сўзи бошқа-ю, дили бошқа эканлиги маълум бўлиб қолди. У куппа-кундуз куни харидор ҳақидан 287 сўм олиб қолаётганда солиқчилар «тузоғи»га илинди.

Рўзибойнинг ҳамфикр касбдошлари - Яккабоғ савдо очиқ ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Феруза» дўкони мудири Г.Тўраева, Муборак туманидаги чакана савдо бирлашмаси 7-дўкон мудири Р.Элмирзаев, Китоб савдо очиқ ҳиссадорлик жамияти 107-дўкон мудири Н.Махмадиев ҳам харидордан белгилангандан анча ортиқ пул олган чоғда қўлга тушдилар. Ўтган йили вилоят Давлат солиқ бошқармаси савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини назорат қилиш бўлими мутахассислари 90 та ана шундай ҳолатга дуч келдилар. Барча қонунбузарлар қилмишларига яраша жазоландилар.

**Э.ҚУРБОНОВ**




# БОЙСУНДА БЕВАҚТ КЕСИЛАЁТГАН АРЧАЛАР...

Унинг қалбини табиатга етказилаётган озор эзиб юборганини сездим...

...Бу воқеага ўн йилча бўлди. Ундан эллик йиллар илгари ҳашар йўли билан Қўрғонча, Қайроқ, Дўғоба, Гуматак, Яккатол каби қишлоқларга машина йўли қурилган. Унга шағал-тошлар эшакда, хуржунда, одамлар елкасида ташилган. Уруш бошланиб, иш ярмида тўхтаб қолган. Ўша биз гувоҳ бўлган кезлари битмаганни битказиш ўрнига, янги йўл қуриб уни Оқтош орқали ўтказиш режаси ўртага ташланибди. Нима ҳам дейсиз, қозон бошида турган шахс хоҳласа таомни сузади, хоҳласа ерга агдарар экан. Табиат ҳақида ўйламай иш бошлашган. Райижрокомнинг ўн-йигирма сўзлик қарори билан бу йўлдаги минглаб туп арчага «ўлим ҳукми» чиқарилган. Адиб - Шукур акани мотамсароликка дуч этган нарса ана шу эди. Хўш, кейинчи?

Катта маблағ, қанчадан-қанча меҳнат эвазига қурилган бу йўл кўп вақт ўтмай яроқсиз аҳволга тушди. Аввалига арчаси кесилган жойлардаги тупроқ кўчиб, йўлларни тўсиб қўйди. Сўнг эса йўл бутунлай кўчиб тушди. Таъмирлашди, аммо... яна бир қишга ҳам чидамади. Тўрт йилдан сўнг 10 километрлик йўл бутунлай кўчиб, Қайроқсойдан ўтказилган сув қувури иншоотини «бағрига олди», барча ишларнинг устига тупроқ тортиб қўйди.

Мана, ўйламай қилинган ишнинг оқибати. Биз баъзан ўз хатоларимизни кеч англаймиз. Англаганимизда айбдорлар курсини алмаштириб кетворган бўлишади.

Ҳозир тупроққа қоришиб кетган Оқтош манзарасини кўрсангиз, додлаб юборишингиз турган гап. Таъкидлаганимиз тоғ арчазорларидаги кийиклар, архарлар, суғурларни энди баъзи одамларнинг хотиралари, жуда нари борса, тушингизда кўрасиз. Улар аллақачон қирилиб бўлди.

Ҳайвонот олами-ку, қирғинга қолди. Қолган арчазорлар-чи? Иморат қуриш, ўтин ғамлаш, пул топиш, Она **табиатни**, э воҳ, **гўзалликни** сотиш билан машғул кимсалар орамизда йўқми? Бор, бўлганда ҳам ўта ёвуз. Муаттар ҳидли арчалар кесилаяпти! Қирилаяпти! Сотилаяпти?!

Бойсун туман прокурори Самижон Омониёзов билан суҳбатлашамиз:

- Ўтган йили, - дейди у, - Музробод тумани Туркистон жамоа хўжалигининг 7-бўлимида яшовчи Қурбонмурод Холмуродов Мачай тоғ участкасидан «КамАЗ» русумли автомашинада 60 дона арчани кесиб кетаётганда ушланди. Кентала қишлоғида яшовчи Хуррам Эшқувватов 20 дона арчани кесгани учун 17 минг 211 сўм, Кўчкелди Раҳмонов 9 дона арчани болталаганлиги учун 4 минг 162 сўм, Прим Мўминов 12 дона арчага қирғин келтирганлиги учун 6250 сўм, Рустам Қурбоналиев 12 дона арчани «еганлиги» учун 14 минг 202 сўм, Нормурод Тўранов 17 дона «Зарафшон» навли арчани арралаб, 14 минг 362 сўм жаримага тортилди. Бундай фактларни ҳар бир тоғ қишлоғида учратиш мумкин. Баланд тоғ бағрида ёз ва куз пайтида кесилиб «хирмон» қилиб қўйилган арчаларга дуч келаяпмиз. Кўрилаётган чораларга қарамасдан арчазорларга шафқатсизлик давом этаяпти.

Прокурор ҳақ гапни айтаяпти. Жарима ундирилгани билан табиатга келтирилган зиённи қайта тиклаб бўлмайди. Инсон ҳамиша гўзалликка интилган. Ундан баҳраманд бўлган. Қолаверса, баъзи ватандошларимизнинг табиат гўзалликларига нисбатан ёвузликларини келажак авлод, энг муҳими, табиат кечирармикан? Минг ёшга кирган арча ўзининг кексарганини «англайди», у энди ўсмаслиги, бу дунёда ортиқчалигини сезиб, Оллоҳнинг қудрати ила ўзидан олов чиқариб ёниб кетади. Ҳа, арча минг ёшида ўзини-ўзи ёндиради.

Арча уруғидан қарийб бир-бир ярим йилда кўкаради. Барглари тенгсиз ўғит. Ўзини-ўзи вояга етказади. Ёшлигида пастки қисмидаги баргларини мол емаслиги учун танаси атрофига ер бағрилаб игнадек ўткир баргли шохларини ёйиб ташлайди. Илдизи юз метрдан чуқурга кетади. Ер ости сувларини тўплаб тупроқнинг кўчишини асрайди. Арчазорлардаги булоқ сувларидан ичсангиз, тўймайсиз. Арчазорлар ҳайвонот олами учун ҳам Худо берган бошпанадир. Унинг ўзи ноёб мўъжиза...

Вақт ўтиши билан биз табиатга, унинг тоғу тошларига, ўрмонзорларига, парранда-ю, арчазорларига етказган зарар ўз ҳукмини айтиши тайин. Ушанда...

Хуллас, бетакрор табиатли Бойсунни, унинг арчазорларини асрайлик, биродарлар. Ахир, у Ватанning бир парчаси, Ватан эса барчамиз учун муқаддасдир.

**Собир ЁДИКОВ,**
**Сурхондарё вилояти**
**Бойсун тумани**

*Jurnalist tekshiruvi*

# ЧОРРАҲА

1 Урганчда Матёқуб қайиқчини танимаганлар йўқ ҳисоб эди. Матёқуб ота қайиқчилар сулоласининг охирги авлоди. У умр бўйи серсув Шовот канали соҳилида яшади, қайиқ бошқарди, элнинг узоғини-яқин, оғирини енгил қилиш пайида бўлди. 1975 йили кечув ўрнида шаҳарнинг қўш ҳудудини бир-бирига боғлайдиган кенг, равон бетон кўприк қурилди-ю, Матёқуб отанинг кечуви касодга учради. Ота қайиқчиликни йиғиштиргач, урушдан сўнг ўз қўли билан барпо этган кулбаси атрофида саҳни бир неча юз квадрат метрга тушиб қолган жаннатмонанд боғини парвариш қилиш билан машғул бўлди. Аммо торгина кулба оиланинг кўпайишиб қолган барча аъзоларини бағрига сиғдира олармиди? 1975 йили отанинг яккаю-ёлғиз ўғли Отахон ака фарзандневаралари билан бирга янги қурган иморатига кўчиб кетди.

1985 йилнинг қиши қаҳрли келди. Аёлҳ вафотидан кейин уйлангани, иккинчи хотини мункиллаб қолган, оғир хасталикка чалинган отани ташлаганча кетиб қолади. Ўғил отани уйига олиб кетиб парваришлашга зўрға кўндиради. Аммо ўғилга ҳам осон эмас. Бир этак болачақа. «Гарчи, ўғлим эса-да рўзғорига бегонаман, тузалдим дегунча уйимга кетаман. Шундоғам қийналиб кетишди», дерди отахон ўзидан ҳол сўргани

2 келган қўни-қўшниларига. Бироқ қадрдон уйи бўсағасидан қайта хатлаш отага ортиқ насиб этмади. Қачонлардир уйи рўйхатига киритилган жияни Раим Машарипов ота кетгач, кулбасини эгаллаб олади. Хуллас, ота хасталигига қарамай, ўғли билан етаклашиб маҳаллакўмга бош уриб боришади. Раис Мамат Самандаров ота-ўғилни сабр-бардошга ундайди, қиш чилласида бировни кўчага улоқтириш инсофданмаслигини

3 айтиб, баҳоргача сабр қилиб туришни маслаҳат беради. Баҳор ҳам ҳаш-паш дегунча етиб келади. Ўз уйига эгалик илинжи билан келган ота-ўғилга: «Можароли уйни тиклашда жиянингиз Раим Машарипов ҳам қатнашган. Шу боис уйнинг эгаси - у» дея туриб олишади. Қизиқ. Маҳалланинг бир-иккимас, 12 нафар обрўэътиборли фуқароси уйни 1954 йили ўз шахсий маблағи эвазига Матёқуб ота Оллақулиев қурган деб туришса-ю, уларнинг бу гувоҳлиги икки пулга арзимаса?! Ота ва боланинг даъвоси судда ҳам тан олинмади. 1954 йили ота томонидан қурилган уй 1970 йилга келиб, у кишининг «осмондан тушган» жияни Р. Машариповга инъом қилиб юборилди. Хуллас, Машарипов ва Оллақулиевлар ўртасида 1985 йил охирида бошланган низо дастлаб, 1989 йил охири - Матёқуб отанинг ўлимигача чўзилди. Отанинг армонли ўлимидан сўнг эса даъвони ўғли Отахон ака қўлга олди. Энг ачинарлиси, можарога ҳанузгача чек қўйилмаган.

4 Хўш,, «меросхўр жиян» тоғасининг кулбасига қайдан келиб қолган? Шикоят ҳужжатларида кўрсатилишича, жиян - Р.Машарипов 1970 йили чиндан ҳам бошпана излаб, тоғаси ҳузурига бош уриб келган. Жигармасми, чол уни паноҳига олиб, «Уй дафтари»га рўйхат қилдиради. Жияни ҳам қараб турмайди: уйни таъмирлаш ва қўшимча хоналар олишга бел боғлаб киришади. Бироқ шу орада у оиласи билан бошқа жойга ҳам кетиб, гоҳо у, гоҳо бу уйда яшаб юради.

Суд ҳовли-жойни Машариповнинг номига хатлаб берар экан, уйни гўё у қурган, деган даъвони қўяди. Шикоятчи Ёқубов эса «Уй

5 чинданам 1954 йилда қурилган ва 1970 йилдан сўнг таъмирланиб, бир-иккита қўшимча хоналар солинган», деган даъвони илгари суради. Суднинг яна бир даъвоси: уй режасиз қурилган, архитектура идорасининг рухсати ҳам йўқ. Шу сабаб Матёқуб қайиқчининг уйи, дея эътироф этилмайди. Ёқубовнинг кўрсатмаси: «Уй қурилган даврда мазкур ҳудуд қишлоқ тасарруфида эди Қишлоқдаги аксарият уйлар каби бу уйнинг ҳам ҳужжатла-

6 ри йўқ. 50-йиллар охирига келиб, қайиқ бекати ва унинг ёнидаги уйимиз шаҳар ихтиёрига берилди. Минг афсуски, уни рўйхатга олиш масаласида мутлақо саводсиз отамга мадад қўлини чўзувчилар топилмаган, уй сеники - ўзинг югур, қабилида иш тутилган».

Суд ҳужжатларида жиян Машарипов оиласининг соҳилдаги ўша кулбадан бўлак борар жойи йўқлиги, шу сабаб уни уйдан чиқаришнинг ножоизлиги баён этилади. Аммо даъвогар Отахон Ёқубовнинг қўлидаги ҳужжатлар буни рад этади:

«...Отангизга тегишли (Фрунзе кўчаси, 1-уй) уйда ҳақиқатан ҳам Машарипов Раим ўз оиласи билан яшаб келаяпти. Унга шахсий уй қуриш учун ер участкаси ажратиб берилган. Ўртоқ Машарипов Раим яшаб турган уйини 1995 йил сентябр ойигача бўшатиб беришга ваъда берди.

**Урганч шаҳар ҳокими Р.Султонов**
**№ 55. 27 октябр 1992 йил».**

Отахон Ёқубов (эндиликда ёши 70 ни қоралаган мўйсафид) болажон оиланинг соҳиби. 9 нафар фарзанди бор. Бари оилали. Уч ўғли оиласи билан унинг ҳозирги нисбатан тор уйида яшайди. Бир ўғли оиласи билан борар жойи бўлмагач, ижарада яшаяпти. Унинг «босқинчи» жияни Раҳим Машариповга ҳам осон тутиб бўлмайди. Гарчи, 60 йиллик умри

7 меъёрида кечмаган (1970 йилгача Болтиқ бўйида яшаган, 1976-77 йилларда эса тақдир тақозоси билан озодликдан бебаҳра қолган) бўлса-да, оила ва уй-жойнинг ҳақиқий жонкуяри, меҳнаткаш, хокисор инсон. Бир неча неваранинг бобоси.

Масалага ақлни ишлатиб разм солсангиз ҳар иккала оила бири эт-бири тирноқ. Биламиз, Раҳимбой ака ўз тоғасининг мулки, ҳовли-жойи замирида бошпана топган. Уйни қуриш ва таъмирлашга кўмаклашган. Бу унинг инсо-

8 нийлик ва қон-қариндошлик бурчи, мажбурияти. Энди у киши обдон ўйлаб кўрмоғи даркор. Оила аъзоси сифатидаги улуши унга тоғанинг уйига эгалик ҳуқуқини берармикан? Уқиб олинг, Раҳимбой ака, у киши сизни қора кунингизда паноҳига олган, уйи тўридан жой берган. Сиз бўлса пойгакдан келиб, тўрни меники, деяпсиз. Сиз ҳам, Отахон ака бир-бирингиздан меҳр-оқибат, мадад ва ҳимматни дариғ тутмаслигингиз даркор. Шундагина уй-ҳовли муаммоси арзимас юмушга айланади. Зеро, ҳамма гап тўсиқларни бартараф этиш шарти ҳисобланмиш куч-қувват, ақлидрок ва ироданинг бисёрлигига қараб қолган. Ҳозир эса тарафлар икки йўл: равшанлик ва зулмат орасидаги чорраҳада туришибди. Чорраҳадан ўтиб, қай йўлга кириш эса таъкидланганидек, томонларнинг ақлу фаросатига боғлиқ.

**Абдулла СОБИРОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

# ҚОНУНГА ҲУРМАТ — БУРЧИМИЗ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

қўйиш, улар фаолиятини қонун талабларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида адлия бошқармасининг ташаббуси билан Бухоро план-иқтисодиёт коллежида 3 ойлик ўқув курси ташкил этилди. Курсда қишлоқ хўжалик корхоналари мутахассисларига фуқаролик, меҳнат, оила ҳуқуқи бўйича таълим берилди.

Менимча, ҳуқуқий тарбияни яхшилаш учун мактаблар ва бошқа таълим муассасалари ўқув дастурларидаги ҳуқуқшунослик фани бўйича соатларни кўпайтириш, фақат ҳуқуқшунослар таълим беришини йўлга қўйиш керак.

**- Ўзбекистон Республикаси Президентининг тўй-ҳашамлар ва оилавий тантаналар, маъракалар ва маросимларни исрофгарчиликка йўл қўймасдан, ихчам ва тартибли ўтказиш тўғрисидаги Фармонини бажариш юзасидан вилоятда қандай тадбирлар амалга оширилаяпти?**

- Вилоятимиз миқёсида никоҳдан ажралиш ҳолатлари таҳлил этилганда, кўпчилик оилаларнинг барбод бўлишига тўй-ҳашамларни дабдабали тарзда ўтказиб, сўнгра эса ўта иқтисодий ночор аҳволга тушиб, эр-хотинлар ва қуда-андалар ўртасида келиб чиқаётган низолар сабаб бўлаётганлиги аниқланди.

Бундай ҳолатларнинг республика миқёсида содир бўлаётганлигини инобатга олган ҳолда, Президентимизнинг 1998 йил 28 октябрдаги Фармони билан тўй-маъракалар, оилавий тантаналар ва маросимларни ўтказишда шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш ҳолатларини бартараф этиш долзарб вазифа этиб белгиланди ҳамда ушбу иллатларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари зиммасига юклатилди.

Ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят адлия бошқармасининг 1998 йил 27 ноябрдаги ҳайъат қарори билан махсус тадбирлар қабул қилинди. Ушбу тадбирларда ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик мақсадида ота-оналар ва келин-куёвларнинг хоҳишларини ҳисобга олиб, никоҳни тўй ўтказилаётган жойда қайд этиш, никоҳ маросимларини ўнлаб енгил машиналарда кимўзарлик тарзида ўтказилишининг олдини олиш бўйича ички ишлар органлари билан ҳамкорликда тегишли чоралар кўрилди. Кам таъминланган оилаларнинг бир неча никоҳ тўйларини биргаликда ўтказишларига кўмаклашиш, ҳар бир туман ва шаҳарнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тўй маросимларининг тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинларида, корхона, муассаса, ташкилотларда тўй ва маъракаларни миллий урф-одатлардан келиб чиққан ҳолда тежамли, ортиқча дабдабасиз ўтказиш бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш кун тартибига қўйилди.

**- Бир пайтлар тарихни четлаб, ўтмишимиз ҳақида турли хил бўҳтон фикрлар билдирилди, инқилобгача Туркистон халқлари саводсиз эди, деб камситишларини ҳам эшитдик. Ҳолбуки, ўзбек халқининг фахрланса арзигулик, маърифатли, дилбар, зукко алломалари борлиги тарихдан маълум. Умуман, мустақил Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифатида тарихимизга бўлган муносабат Сизни қаноатлантирадими?**

- Чиндан ҳам узоқ йиллар давом этган тоталитар тузум даврида ўзбек халқининг тарихи, маданияти ниҳоятда камситилди. Халқимизга саводсиз деган тамға босишга уринишди. Бунинг устига қатағон йилларида Чўлпон, Усмон Носир, Фитрат, Абдулла Қодирий каби буюк ватандошларимиз қатл қилинди. Халқимизда ҳақиқат букилади, лекин синмайди, деган жуда ҳаётий мақол бор. Ўзбекистон ўз истиқлолини қўлга киритгач, Туркистон халқларининг ҳақиқий тарихи, маданияти, шарқона қадриятлари яна дунёга юз тутди. Бу албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш ниҳоятда муҳим вазифа қилиб белгиланди ва улкан инқилобий ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги вақтда Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, ал-Хоразмий, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур каби қўплаб буюк аждодларимизнинг номлари, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган буюк ҳиссалари бутун дунёга маълум. Имом ал-Бухорий, Амир Темур, ал-Фарғоний каби боболаримизнинг юбилейлари жаҳон миқёсида нишонланганлиги беҳад қувонарлидир. Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларимиз фақат олимлар ва санъат ихлосмандлари учунгина эмас, балки тарих ва тарихий қадриятлар билан қизиқувчилар учун ҳам зиёратгоҳга айланган.

**- Ҳуқуқшунос олим сифатида айни кунларда нималардан ташвишдасиз?**

- Мени ташвишлантираётган муаммо - фуқароларнинг ўз ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш борасида изланмаслиги, чиқаётган ҳар бир қонун ва қонун ости актлари мазмуни, моҳиятини халққа етказишда айрим соҳа ходимларнинг сусткашликка йўл қўяётганлигидир, чунки ҳар қандай мамлакат тақдирини кадрлар ҳал қилади. Агар ҳар бир соҳада, жамладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида етук, ўткир билимли, юксак малакали мутахассислар ишласагина, биз ўз давлатимизни, жамиятимизни тараққий қилдира оламиз. Шу боис ҳам Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳозирги вақтда айнан ёшларга таянаётганлиги, уларни билим савиясини жаҳон стандарти даражасига кўтариш учун бутун имкониятларни кучга солиб, ёшлар учун кенг йўл очиб бераётганлигини тўла қўллаб-қувватлайман.

**- Анъанавий савол, «Инсон ва қонун» газетаси муштарийларига тилакларингиз?**

- Мен газета муштарийларига аввало, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида муваффақиятлар тилайман.

**Суҳбатдош:**
**Рашид АСЛОНОВ**

*Sarchashma*

## ТАРИХ – ХАЛҚ МАЪНАВИЯТИНИНГ АСОСИ

Халқнинг азалий хотираси, бой маънавий олами муҳрланган ҳаққоний тарихни билиш ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб аҳамият касб этган эмас. Мамлакатимиз эришган мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, жамият тараққиётининг тўғри йўналишларини белгилаш шуни талаб этади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг янги чоп этилган «Маънавий юксалиш йўлида» китобини мутолаа қилар эканмиз, ана шу фикр, ана шу ғояга қайта-қайта урғу берилганини кўрамиз. Ислом Каримов («Тарихий хотирасиз келажак йўқ») тарихчи олимлар билан бўлган суҳбатида шундай муҳим фикрни олға сурган эди: ***«Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантириш, яна бир бор қуроллантириш зарур».*** Дарҳақиқат, жамият тараққиёти аввало, фуқароларнинг тарихий онги қай даражада камол топганлигига боғлиқ бўлади. Чунки тарихни билиш атрофимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни тўғри ва холисона баҳолаш, уларни қиёслаб, керакли аниқ хулоса чиқариш имконини яратади. Аксинча, тарихни яхши билмасдан, ўтмиш тажрибасини ҳисобга олмасдан қабул қилинган қарор асоссиз бўлиши, ҳатто тузатиб бўлмас хатоликларга олиб келиши мумкин.

Шахснинг кечаётган тарихий жараёнда қанчалик даражада фаол иштирок этиши унинг тарихий онги савиясига боғлиқ экан, бунда тарихий онг қайси йўл ва қандай воситалар билан шаклланганлиги ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади. Биз халқ анъана ва урф-одатлари, маросимларида иштирок этаётганда, тарихий ёдгорликларни зиёрат қилаётганда, бадиий адабиёт ўқиётганда, тарихий мавзудаги санъат асарларини кузатаётганда беихтиёр тарих билан юзма-юз келамиз. Аслида эса тарихий онг чуқур илмийлик асосидаги тарихий билимлар, объектив таҳлилга таяниб шаклланган-дагина кучли таъсирга эга бўлади.

Шу боисдан ҳам юртбошимиз илм-фаннинг ролига катта аҳамият бериб, ***«Умуман, мен фанни илғор, тараққиёт, прогресс деган сўзлар билан ёнма-ён қабул қиламан. Одамларга мустақилликнинг афзаллигини, мустақил бўлмаган миллатнинг келажаги йўқлигини, бу табиий бир қонуният эканлигини исботлаб, тушунтириб бериш керак. Фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим. Шунинг учун тарихчи мутахассислар тайёрлашни университетлардан, яъни бошланғич нуқтасидан яхшилаш, керак бўлса, тарихга ихтисослашган мактабларни очиш лозим. Бунинг учун эса аввало мукаммал дарсликлар яратиш, домлаларнинг ўзини қайтадан ўқитиш лозим»,*** деб алоҳида таъкидлаган эдилар.

Айни кунда жаҳон тамаддуни шундай бир босқичда турибдики, миллатнинг салоҳиятини унинг нуфузи эмас, ақлий-маърифий даражаси, маънавияти, илмий идрок-онги белгиламоқда. Иқтисодий тараққиёт суръатлари авж олган сари одамларнинг маърифатга интилиши кучайиб бормоқда. Бугун маънавият ва маърифат эл-юрт салоҳиятига асос бўлмоқда. Адоғига етаётган асримизнинг энг нодир, энг эъзозли фазилати - саботи ҳам шунда.

Собиқ Иттифоқ давлатларининг бирортасида ҳам маънавиятни юксалтиришга эътибор бизнинг мамлакатимиздагидек кучли эмас. Президент Фармони билан маънавият ва маърифат марказлари ташкил этилди, улар самарали фаолият кўрсатиши учун катта маблағлар ажратилиб, ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Маънавият марказлари тадбирлар, учрашувлар, конференциялар, семинарлар ўтказиб, китоб ва журналлар нашр этмоқда.

Юртбошимизнинг асарлари, нутқ ва Фармонларида бир масала - раҳбар кадрлар маънавиятини юксалтиришга ўта жиддий ёндашилаётганига барчамиз гувоҳмиз. Бу ҳол Президентимизнинг янги китобида янада яққол кўзга ташланади. Раҳбар кадр оддий фуқародан фарқ қилиб давлат, халқ манфаатини ўз манфаатидан сўзсиз устун тутиши шарт. Акс ҳолда жамиятда ҳамма нарса шахсий муносабатлар самарасига боғлиқ бўлиб қолади. Буни кўрган одамлар раҳбар кадрга фақат моддий бир восита сифатида қарай бошлайдилар. Натижада ватанпарварлик, миллатсеварлик, халқчиллик, фаоллик, фидойилик каби пок фазилатлар, мақсадлар қадрсизланади. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов бу ҳақда: ***«Одамлар қалбида ислоҳотларга ишонч туғдиришимиз ва уни мустаҳкамлашимиз керак. Шуни шиор қилиб олишимиз лозимки, буйруқ, тазйиқ билан ислоҳотни олға силжитиб бўлмайди. Изланиш, ташаббускорлик, яна такрорлайман, ташаббускорлик зарур»*** деб бежиз айтмаган эдилар. Яъни раҳбар ўз фазилатлари билан ибрат бўлиб, одамларнинг тафаккурида ижобий ўзгаришлар содир эта олиши лозим. Зеро, давлатимиз раҳбари халқимизни маърифат йўлига даъват қилиб, ҳар бир инсон қалби маърифат чироғига айланишини, маърифат юракларимизда эзгулик туйғуси бўлиб акс-садо беришини орзу қилмоқдалар.

«Маънавий юксалиш йўлида» китобини ўқиб, варақлаб, Президентимизнинг яна бир улуғ нияти, эзгу орзусини такрор англаб етамиз. Бу - миллатимиз келажаги бўлган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш орзусидир. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрларни тайёрлаш Миллий дастури», «Камолот», «Умид» каби жамғармалар фаолияти бевосита ана шу улуғ мақсадга қаратилган. Бугун мамлакатимизда таълим ва маърифатга миллат ва истиқлол келажаги сифатида қаралмоқда. Бугун одамлар ўз фарзандларига яхши таълим бериш ниятида яратилган жуда катта имкониятлардан тўла фойдаланишга интилмоқдалар. Бир сўз билан айтсак, мамлакатда маърифатчиликнинг янги тўлқини юзага келди. Зеро, эндиликда бутун инсоният янги - Маърифат эраси остонасида турибди. Қолаверса, бугунги кунда бутун халқимиз Президентимиз таъкидлаб айтганларидек, ***«иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини»*** истайди. Юртбошимизнинг янги китоби эзгу орзу-ниятларимизнинг ушалиши борасида улкан ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

**Аҳмаджон ЧОРИЕВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти илмий кенгаши котиби**

*Intilganga tole yor*

# ДЕҲҚОН–ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАНДАЙ?

***Кейинги йилларда Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда ер ислоҳотлари ўтказилиб, ерлардан унумли фойдаланиш, кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда улкан вазифалар олдинга сурилди. Айни пайтда бугунги кун талабларидан бири ҳам қишлоқларда деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларни кенг тармоқда шакллантириб, халқимизга кўпроқ арзон нархда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришдан иборатдир.***

Албатта, бу муҳим ишлар меҳнат, изланиш ва сабр-қаноат каби фазилатларни талаб этади. Шу маънода Фарғона вилоятида деҳқон-фермер хўжаликлари фаолияти ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Вилоятда 1997-98 йил мобайнида 1963 та деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб келган. Шулардан 121 тасининг иши қониқарсиз деб топилгани, 52 таси ўз аризасига биноан, 4 тасига эса ер майдони ажратилмагани туфайли фаолиятларини тўхтатишган. Вилоят прокуратураси томонидан умумий назорат тартибида амалдаги қонунчилик талабларига риоя қилиш юзасидан ўтказилган текширишлар шуни кўрсатдики, вилоят шахсий ёрдамчи ва деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг жойлардаги мутасаддилари ўз хизмат вазифаларига талаб даражасида ёндашмаганлар. «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонунда таъкидланишича, жойлардаги мутасаддилар фаолият кўрсатиб келаётган деҳқон-фермер хўжаликларининг ҳисоботларини таҳлил қилиши, тараққиёти, истиқболини белгилашда бош-қош бўлиши, улар ҳақида қайғуриши керак. Кўпчилик туманлардаги бу ишларга масъул идоралар деҳқон-фермер хўжаликларининг ташкил этилиши уларда етиштирилган ва сотилган маҳсулотлар ҳамда тугатилган деҳқон-фермер хўжаликлари сони тўғрисидаги маълумотларни йиғиб, ҳисобот бериш билан чекланганлар, холос. Хусусан, вилоят шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси республика шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасига 1997 йилдан 1998 йилгача 205 та деҳқон-фермер хўжаликлиги ўз фаолиятини тугатди, деган маълумот берилган ҳолда уларнинг тугатилиш сабабларини таҳлил қилмаган. Аслида эса фақат 177 та деҳқон-фермер хўжалиги ўз фаолиятини тўхтатган. Бундай нотўғри маълумот беришдан кимга фойда-ю, кимга зарар?

Баъзан туманлардаги деҳқон-фермер хўжаликлари ўзларига ажратилган ем-озуқаларни олишолмайди ёки жуда кам миқдорда олишади. Айрим жойларда эса маҳаллий ҳокимият, бошқарув, ижро идораларидаги баъзи бир шахсларининг ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлиги боис бир қатор деҳқон-фермер хўжаликлари номигагина ташкил этилган. Аёнки, бундай фермер хўжаликларидан давлатга ҳам меҳнаткашга ҳам ҳеч қандай наф бўлмайди. Жумладан, Ўзбекистон туманидаги «Асқарали», «Йўлдош ота», «Орифжон», «Давлат», «Олмос» фермер хўжаликлари туман ҳокимининг тегишли қарорлари билан ташкил этилиб, уларга ер ажратиб берилган. Лекин бу фермер хўжаликларида «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси талаблари бузилган.

Кўпчилик ҳолатларда деҳқон-фермер хўжаликлари, туман ҳокимлари томонидан амалдаги қонунчиликка асосан ташкил этилиб, уларга ер майдонлари ажратиб бериш ҳақида қарор қабул қилинганига қарамай, жойлардаги жамоа хўжаликлари бошқаруви раисларининг ўзбошимчалиги боис уларни ер билан таъминлаш чоралари кўрилмаган. Оқибатда деҳқон-фермер хўжаликлари фаолият кўрсатишдан маҳрум бўлган. Бунга Олтиариқ туманидаги «Саркор», «Матниёзбек», «Обод», Риштон туманидаги «Бўстон», Фарғона туманидаги «Кундуз» деҳқон-фермер хўжаликларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Деҳқон-фермер хўжаликларининг тугатилишида хўжаликларнинг ўзларида ҳам айб бор. Мисол учун, ердан унумсиз фойдаланиши, ишларини юргизиб олгунча бўладиган қийинчиликлардан умидсизликка тушиши натижасида ҳам кўплари ўз фаолиятларини тўхтатишган.

Бироқ вилоятда шундай фермер-хўжаликлар ҳам борки, улар ҳар қандай қийинчилик, тўсиқларни ҳам мардонавор енгиб, режадаги ишларини ошиғи билан амалга оширишиб келишмоқда. Фарғона туманидаги «Шукурмирзо» деҳқон-фермер хўжалиги бунга мисол бўла олади.

«Шукурмирзо» фермер хўжалиги 1993 йил июл ойида 10 бош ғунажин, 5 бош соғин сигир билан иш бошлаган эди.

- Дастлаб бизга 3 гектар, кейинги йил яна 3 гектар ер ажратиб беришди. Молларимизни сони ўша йили 44 тага кўпайди. Шундан 25 бош соғин сигирлар, - дейди хўжалик бошлиғи Таваккал Аҳмедов. - 1994 йилда давлатга режадаги 6 тонна ўрнига, 15 тонна гўшт, 10 тонна ўрнига 12 тонна сут топширдик.

Бу йил ҳам ишларимиз ёмон бўлмади. 60 тонна ўрнига 110 тонна сут, 37 тонна ўрнига 47 тонна гўшт топширдик. Лекин 1998 йилни декабр ойига келиб, кўк озуқа етмагани сабабидан сигирларимизни сути кескин камайиб кетди. Агар янги раис бувамиз Шукур ака Ўтанов бизни тўғри тушуниб, ерларимизни қонунда бизга мумкин бўлган 47 гектарга етказиб берганда эди, молларимиз сонини тенг ярмига кўпайтирган бўлар эдим.

Таваккал Аҳмедов саховатпеша инсон экан. Фермернинг бу фазилатлари ҳақида Чимён қишлоқ маҳаллалар йиғинининг раиси Акромжон Нурматов шундай дейди:

- Таваккал ҳожи ўзи ёшу, аммо 3-4 йиллар ичида анча-мунча ишни қилиб қўйди, барака топгур. Мана, узоққа бормайлик. 12, 15 сонли мактабларга газ ўтказишда 56 минг сўм, туман-даги бошқа мактабларни таъмирлаш учун 460 минг сўм ёрдам берди.

Эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш йўлида тунни кунга улаб, жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган Т.Аҳмедов каби фермер хўжалик бошлиқлари вилоятимизда кўплаб топилади. Айни пайтдаги масала эса янгидан ташкил этилаётган деҳқон-фермер хўжаликларига оёққа туриб олишлари учун кўмак беришдир. Бу ёрдам эса қонунчилик талабларига риоя қилиш орқали амалга ошганда самара келтириши шубҳасиз.

**Эрдавлат ОДИЛОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Бахмал туманида Харакатланиш хавфсизлиги ойлиги кўнгилдагидек якунланди. Ой давомида 157 та тадбир ўтказилди.*

*СУРАТДА: йўл ҳаракати кўнгилсизликларини олдини олишда намуна бўлган бахмаллик ДАН ходимларидан Отамурод Ўрозалиев ва Қодир Муҳаммедовлар.*

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат**

*Bojxona sarhadlarida*

# ЖИЛОВЛАНГАН НОИНСОФЛАР

Яқинда Фарғона вилояти божхона бошқармаси 4-сонли «Фарғона» божхона маскани бошлиғи, божхона хизмати катта лейтенанти Носиржон Насипов мамлакат иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш ва халқимиз ризқининг айрим кимсалар томонидан қонунга хилоф равишда четга олиб чиқиб кетилиши ҳолатларини аниқлашдаги алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг буйруғи билан мансаб маошининг 3 баравари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланди. Қандай хизмати учун дейсизми? Эшитинг бўлмаса!

Қорақалпоғистоннинг Амударё туманилик олий маълумотли шифокор, туман касалхонаси реаниматори Улуғбек Жумамуродов мазкур божхона масканида машинасига ортилган юкни «Чимён»га деб айтиб, аммо рулни Қирғизистон Республика Қадамжой тумани қишлоқлари томон буради. Бу шахс Қирғизистон Республикаси фуқароси Суйналиева деган билан ўзаро тил бириктириб, Марғилон бозоридан 1 миллион 180 минг сўмлик 10 тонна гуруч харид қилади. Дилшод Аҳмадалиев бошқарувидаги КамАЗ-5320 русумли машинани кира қилишиб, Қирғизистон сари йўлга тушадилар. Маскан бошлиғи Носиржон Насипов бу гуруҳнинг ҳийласини фош этиб ташлади. Ноинсофлар ҳозир тергов қилинмоқда.

*Qilmish-qidirmish*

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Кутилмаганда Косонсой тумани марказида, баъзан чекка қишлоқларда тез-тез ўғрилик содир бўла бошлади. Топган-тутганидан ажраган фуқаролар арз-додини эшитган, воқеа билан танишган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари таажжубда қолишди. Чунки ўғирлик бир-бирига жуда ўхшарди. Буни устаси фаранг ўғрилардан кутиш мумкин эди.



Иброҳим Раҳматуллаев Косонсой тумани Ширин қишлоғида яшайди. 25 баҳорни қаршилаган бу йигит бирор фойдали ишда қўним топмади. Боз устига ўғриликни касб қилди. Муқаддам икки маротаба қилмиши учун жазони ўтаб келди. У қамоқдан қайтгач, ота-онаси «Шояд бу сафар эси кириб қолган бўлса», дея умид қилишди. Аммо бу орзулари тез орада чиппакка чиқди.

Иброҳим аввалгидек «кўчахандон»лигини бошлади. Таниш-билишлар билан соғ-саломат қайтгани учун чекка-чеккада маишат қилди. Бироқ «етиб еганга тоғ ҳам чидамас» деганларидек, ҳамённинг чўғи камайиб кетди. Агар янги раис бувамиз Шукур ака Ўтанов бизни тўғри тушуниб, ерларимизни қонунда бизга мумкин бўлган 47 гектарга етказиб берганда эди, молларимиз сонини тенг ярмига кўпайтирган бўлар эдим.

Таваккал Аҳмедов саховатпеша инсон экан. Фермернинг бу фазилатлари ҳақида Чимён қишлоқ маҳаллалар йиғинининг раиси Акромжон Нурматов шундай дейди:

- Таваккал ҳожи ўзи ёшу, аммо 3-4 йиллар ичида анча-мунча ишни қилиб қўйди, барака топгур. Мана, узоққа бормайлик. 12, 15 сонли мактабларга газ ўтказишда 56 минг сўм, туман-даги бошқа мактабларни таъмирлаш учун 460 минг сўм ёрдам берди.

Эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш йўлида тунни кунга улаб, жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган Т.Аҳмедов каби фермер хўжалик бошлиқлари вилоятимизда кўплаб топилади. Айни пайтдаги масала эса янгидан ташкил этилаётган деҳқон-фермер хўжаликларига оёққа туриб олишлари учун кўмак беришдир. Бу ёрдам эса қонунчилик талабларига риоя қилиш орқали амалга ошганда самара келтириши шубҳасиз.

**Эрдавлат ОДИЛОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Иброҳим аввалгидек «кўчахандон»лигини бошлади. Таниш-билишлар билан соғ-саломат қайтгани учун чекка-чеккада маишат қилди. Бироқ «етиб еганга тоғ ҳам чидамас» деганларидек, ҳамённинг чўғи камайиб кетди. Агар янги раис бувамиз Шукур ака Ўтанов бизни тўғри тушуниб, ерларимизни қонунда бизга мумкин бўлган 47 гектарга етказиб берганда эди, молларимиз сонини тенг ярмига кўпайтирган бўлар эдим.

Таваккал Аҳмедов саховатпеша инсон экан. Фермернинг бу фазилатлари ҳақида Чимён қишлоқ маҳаллалар йиғинининг раиси Акромжон Нурматов шундай дейди:

- Таваккал ҳожи ўзи ёшу, аммо 3-4 йиллар ичида анча-мунча ишни қилиб қўйди, барака топгур. Мана, узоққа бормайлик. 12, 15 сонли мактабларга газ ўтказишда 56 минг сўм, туман-даги бошқа мактабларни таъмирлаш учун 460 минг сўм ёрдам берди.

Эл-юрт дастурхонини тўкин қилиш йўлида тунни кунга улаб, жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган Т.Аҳмедов каби фермер хўжалик бошлиқлари вилоятимизда кўплаб топилади. Айни пайтдаги масала эса янгидан ташкил этилаётган деҳқон-фермер хўжаликларига оёққа туриб олишлари учун кўмак беришдир. Бу ёрдам эса қонунчилик талабларига риоя қилиш орқали амалга ошганда самара келтириши шубҳасиз.

**Эрдавлат ОДИЛОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

Иброҳим Раҳматуллаев Косонсой тумани Ширин қишлоғида яшайди. 25 баҳорни қаршилаган бу йигит бирор фойдали ишда қўним топмади. Боз устига ўғриликни касб қилди. Муқаддам икки маротаба қилмиши учун жазони ўтаб келди. У қамоқдан қайтгач, ота-онаси «Шояд бу сафар эси кириб қолган бўлса», дея умид қилишди. Аммо бу орзулари тез орада чиппакка чиқди.

*Yoshlar va huquq-targ'ibot*

# ҲУҚУҚИЙ БИЛИМ – БАХТ КАЛИТИ

***«Ёшликда олинган илм - қоя-тошга ўйилган ёзув» деб бежиз айтилмаган. Шунингдек, болалик чоғидан оилада, мактабда, жамоат ўртасида ғоят усталик ва назокат билан сингдирилган одоб, ахлоқ ёки ҳуқуқий билим тушунчалари инсонни кексалик чоқларида ҳам тарк этиши амримаҳол. Умидли ёш бўғинларимизни мамлакатимизнинг адолатли қонунлари билан ўз вақтида ва мунтазам қуроллантириб бориш - барпо этаётганимиз ҳуқуқий давлат камолотига мустаҳкам пойдевор бўлиши тайин. Ёшларни ҳуқуқий билимларини ошириш, улар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятлар ёки ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида Ғузор туман прокуратурасида қилинаётган ишлар юзасидан туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Жуманазар УМИРОВ қуйидагиларни гапириб берди:***

- Республикамиз Президенти Ислом Каримов 1998 йил 24 декабр куни вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан ўтказган йиғилишида «фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шартлиги тўғрисида» сўзлаган нутқидан ва Республика Бош прокурорининг «Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати самарадорлигини янада ошириш чоралари тўғрисида»ги раҳбарий кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя этиш, улар иштирокида содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш, амалдаги қонунлар моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодга сингдириш, қонунларимизга ҳурмат туйғуларини тарбиялаш, уларда она Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Туман прокуратурасининг жорий йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режасидан келиб чиқиб, ходимларни ҳуқуқ-тарғибот, қонунларни тушунтириш ва ўз фаолиятига ошкоралик бериш юзасидан туман халқ таълими бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ташкилоти билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш тўғрисида режа ишлаб чиқилиб, январ ойи мобайнида тумандаги ўқувчи ва талабалар ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Кўрик-танловда асосий эътибор ёшларни ҳуқуқий билим савиясини ошириш, уларни қизиқтириш мақсадида республикамизда янги қабул қилинаётган қонунлар аҳамиятига, уларнинг мазмун-моҳиятига қаратилган савол-жавобларига 10 баллик система жорий этиб, ярим йиллик якунида ғолиб деб топилган ёшларни рағбатлантириб бориш режалаштирилди. Бундан ташқари кўрик-танловда ўқувчилар томонидан ёшлар ўртасида содир этилган жиноятларни оғир оқибатларга олиб келишлигини кўрсатиш мақсадида тергов ва суд амалиётидан саҳнавий чиғишлар уюштириб борилмоқда.

Ўтган йили ҳуқуқ-тарғибот, қонунларни тушунтириш ва ўз фаолиятига ошкоралик бериш бўйича 89 та тадбир ўтказилиб, шундан 65 таси жиноятчилик ва қонунчилик бўйича, булардан 9 таси вояга етмаган ёшлар қонунчилиги, 8 таси сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар бўйича, 3 таси фуқаролик социал-иқтисодий ҳуқуқлар, 10 таси иқтисодий соҳадаги қонунчилик, 1 таси ички-ликбозлик ва гиёҳвандлик, 2 таси ҳарбий қонунчилик, 57 таси ишчи-хизматчилар, 3 таси деҳқон - фермерлар, 3 таси ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилди. Ҳар бир тадбир ўзининг сезиларли самарасини бермоқда. Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг камайиши кўнгилдаги натижа бўлиб, келажак олдида янада юксак масъулиятли бўлишга ундайди.

**Ўз мухбиримиз суҳбатлашди**

*Qiziq satrlar*

## СТАЛЛОНЕ ОЙИСИНИ ЭРГА БЕРДИ

**Голливуднинг таниқли актёри Сильвестер Сталлонениг онаси Жаклин хоним ўтган йили ноябрда яна бир бор муҳаббат гирдобига тушиб қолди. 67 ёшга кирган бу аёлнинг ёвватдаги севгиси — унинг тўртинчи расмий никохидир. У Лос Анжелеснинг таниқли нейрохирурги 54 яшар Стивен Левин билан қовушди.**

**«Эҳ, ҳаёт олдинда экан, ўзимни ёш келинчакдек ҳис қилаяпман», деб мақтаниб кўяр-миш бу аёл атрофдагиларга.**

**Нима ҳам дердик, «муҳаббат ёш танламайди» деганлари бежиз эмас экан.**

**Янги ота муборак, шавкатли Рэмбо!**

Фирибгарлик иллати халқимиз табиатига, айниқса, ўзбекона удумларимиз, иймон-эътиқодимизга бутунлай ёт. Афсуски, мустақиллик, демократик эркинликлар ва бозор муносабатларини қадрлай олмаётган айрим кимсалар қалбида бу иллатнинг газак олиши кузатилмоқда.

Яқинда Урганч шаҳрида ўтган суд мажлисларида фирибгарларнинг қилмишлари фош этилди.

Қўшкўпирлик Наима Ҳошимова қинғир йўлга адашмай кирган, «уддабурро» фирибгарлардан экан. Аёл боши билан атиги бир ярим ой ичида ўзгаларнинг она сутидай ҳалол 473 минг сўмлик мол-мулкини ўзлаштириб олибди-я... Қандай қилиб дейсизми?

Аввалambор таништинг: фирибгар Ҳошимова Наима Толиповна, Қўшкўпир туман «Кенагас» қишлоғида яшайди. Ҳали навқирон ёшда - 40 ни ҳам қораламаган. Нарёғини сўрасангиз, гулдай ҳунари бор - тикувчи-бичувчи. Мураббийлик ва ташкилотчиликка ҳам лаёқати йўқ эмас. Бироқ у Худо берган ана шу малака ва маҳоратини эзгулик йўлига бахшида этолмади.

Урганчдаги «Назокат» хусусий корхонаси раҳбари Султонпошша Сафоева Наиманинг ёмон ниятини пайқамагани аниқ. Акс ҳолда уни ўз корхонасига бичув-тикувчи қилиб ишга олмаган бўларди.

Хуллас, Наима 1997 йил март ойида корхонага ишга кирди-ю, фирибгарликни ҳам бошлаб юборди. Эпчилгина, уддабурро тикувчи тезда жамоанинг эътиборига тушди. Ишлари юришиб, мижозлари кўпайди.

- Машиналарининг бари шалоқ, янгисига алмаштирмаса бўлмайдиган, - мудиранинг қўйнига қўл солди у кунлардан бир кун.

- Нимаям қилардик, қўл калта. Тушумлар кўпайса, албатта алмаштирамиз.

- У ҳолда бу ишни менга қўйиб беринг, - астойдил ишонтириб деди Наима.

Бу орада мудира хасталаниб шифохонага тушди. Кетар чоғида ишни Наимага топширди. Мудира кетгач, корхонада чинакамига «маҳаллий аҳамиятга молик инқилоб» рўй берди. Наима мавжуд 16 та тикув машиналарининг барини шу ерда ишловчиларга сотиб юборди. Ахир, сотмаса, янги машиналар олиш учун пул осмондан тушармиди? Хуллас, у мудира С.Сафоевaнинг мулки бўлган машиналарни саноқли кунлар ичида сотиб, пулга дўндиради. Мудирaнинг корхона сейфида сақланаётган бир қанча тилла тақинчоқлари, ҳамкасаба Дуржон Каримованинг қимматбаҳо буюмларини ҳам жўнгина хийла ишлатиб қўлга киритади. Бунгача эса «Тошкентдан арзонгаровга газмол келтираман» дея мудирадан, унинг сингlиси Малика Сафоева, онаси О.Ибодуллаевадан авраб олинган 30 минг сўм пул ҳам Наимахоннинг «луқмаи ҳалол»ига айланган эди.

- Анча пул йиғилди, бироқ ҳали янги тикув машиналари ва газмол сотиб олишга камлик қилади, - фикрини очиқ айтди у ҳамкасбларига.

- Хўш, яна нима қил дейсиз?

- Тикувчилик курси очамиз, хоҳловчиларни бошлаб келаверинглар.

Талабгорлар ҳам ҳаяллашмади. 10 га яқин қизжувонлар ҳар бири 3000 сўмдан пул тўлаб номи бору, нишони йўқ «ўқув»ларнинг қатнашчилари бўлишди. Машғулот номигагина 1-2 кун ўтказилди, холос. «Ишлари» бошидан ошиб-тошиб ётган «мураббия» қизлар билан машғулот ўтказишга вақт тополмади.

Тергов ва суд жараёнида ҳақиқат ойдинлашди-қолди. «Назокат»га қадам ранжида қилаётиб, ўзини Феруза Умрзоқова деб таништирган бу кимса, аслида Наима Ҳошимова бўлиб чиқди. Қойил, Наима, нари борса, 45 кунда 473 минг сўм. Шунча пулни бундай арзимас фурсатда мана-ман деган муғомбир ҳам қўлга киритолмаслиги турган гап.

Урганчнинг Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 42-уйда яшовчи Алишер Йўлдошев ҳам товламачиликда «устаси фаранг»лардан экан. Ҳали 25 га ҳам кирмаган бу йигит омонатга хиёнат йўлини тутди. У дўсти Уктамбой Мусаев бир зум қараб тур, деб ташлаб кетган 2 та сумкадаги 1446 дона қошиқни олиб жуфтакни ростлади, сўнгра эса ҳеч нарсадан истиҳола қилмай, пуллаб юборди. «Ўз оёғи билан келган бойликни» чўнтакка урди.

Суднинг қора курсисига ўтирган урганчлик (Хива кўчаси, 24-уйда яшайди) Ҳурмат Матрасуловнинг қилмишидан ҳам ёқа ушлайсиз. У ўзининг яқин таниши Собир Отажонов ва туғишган синглиси Гавҳар Матрасуловани чув туширади. Отажоновга тегишли 100 АҚШ доллари ва Матрасуловaнинг салкам 12 минг сўмлик мулкини фириб йўли билан қўлга киритади ва барини сотиб ичкиликка сарфлайди.

Дилором Бекчонова бўлса узоқни ўйлаб иш кўрган товламачилардан экан. Кунларнинг бирида у Урганч шаҳридаги Отаниёзов кўчаси, 6-уйда яшовчи А.Қосимовга «муҳаббат» изҳор қилиб қолади. Бўйдоқмасми, Қосимов бу таклифга кўнади. Аммо сохта муҳаббатдан қурилган «қаср» тезда нурайди. Дилором эри Қосимовга тегишли енгил машина ва уйни фирибгарлик йўли билан сотиб юборишга эришгани ва бу пуллар эвазига ўзи учун шаҳарнинг Навоий кўчасида янги уй сотиб олгани, боз устига «севимли ёстиқдоши»ни кўчага ҳайдагани маълум бўлиб қолди.

Суд бу фирибгарлик ва товламачилик ҳолларига аллақачон ўз баҳосини берди. Чиқарилган ҳукм ва ажримлар юқори суд органлари томонидан тасдиқланди. Демак, ҳақиқат қарор топди, ҳисоб. Аслида ҳам шундаймикан? Бизнингча, суд жиноий ҳаракатларнинг ўзигагина баҳо берди, холос. Аммо уларнинг илдизлари очиб ташлангани йўқ. Аксарият қонунбузарликлар боқимандалик, бекорчиликнинг аччиқ меваси эканини тегишли элбоши ва ишбошилар то ҳануз англаб етишмаётир. Муайян оила, кўча, маҳаллада етилаётган бебошликларни кўра-билиб, лоқайд туришган ота-оналар, қўни-қўшни, фаоллар, фуқаролар йиғинлари раҳбарларининг масъулиятсизликларини қандай баҳолаш керак?

**Саломат МАМАТОВА, Хоразм вилоят суди судьяси, Абдулла СОБИРОВ, «Инсон ва қонун» мухбири**

*Qilmish-qidirmish*

# «ФЕРУЗА» ДЕГАНИ ФИРИБГАР ЧИҚДИ

*Bojxona sarhadlarida*

## СУД БОЖХОНА МАСКАНИДА ЎТДИ

Қўқон шаҳридаги 2-сонли ташқи иқтисодий фаолият божхона маскани бошлиғи, божхона хизмати подполковниги Аҳмадали Орипов Данғара тумани ички ишлар бўлими ходимлари майор Нўмонжон Бойтемиров, лейтенант Жаҳонгир Жаҳонбоев ва милиционер Мадаминжон Турсуновлар билан бирга Қўқон-Конибодом йўлида кетаётган автобусни тўхтатишади.

Унда 33 нафар Тожикистон Республикаси фуқаролари ҳеч қандай ҳужжатсиз 1 миллион 300 минг сўмлик халқ эҳтиёжи ва истеъмоли молларини қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетишаётган экан. Мазкур факт юзасидан расмийлаштирилган ишлар шу куннинг ўзидаёқ Қўқон шаҳар суди судьяси Ҳақназар Маназаров раислигида божхона маскани сайёр тартибда кўрилди ва ноқонуний «йўлга тушган» товар-моддий бойликлар мусодара қилинди, айбдорларга маъмурий чоралар кўрилди.

## «ШАКАР-ХЎР»ЛАР УШЛАНДИ

5-сонли «Андархон» божхона маскани вилоят марказидан юзлаб километр узоқда, Тожикистон Республикаси билан чегарада жойлашган.

Мазкур масканда божхона хизмати катта лейтенантлари Улуғбек Мамадов, Мақсад Эшонқулов, старшина Шуҳрат Мелибоев ҳамда Ғайрат Кабировлардан иборат тезкор гуруҳ кўп миқдордаги шакар ва маргаринни ҳуфёна олиб чиқиб кетишга ҳозирланганлиги фактини аниқладилар. Жиноятнинг олди олинди.

**Фарғона вилояти божхона бошқармаси матбуот хизмати**

*Uchrashuv*

# КИМДИР «ЧУВ» ТУШИБ ҚОЛДИ...

Бир танишим Юнусободдаги Чоштепа бозорида савдо қилади. Ёз бўйи чайла қуриб, далада яшаб, сабзи, карам етиштирган эди. Қайси куни ишдан қайтаётиб, бозорга кирсам, менга зорланиб қолди.

- Карамнику ўзим сотдим-а, сабзига «чув» тушдимда... Қандай ишондим-а, шу ярамаса?

Маълум бўлишича, 2,5 тонна сабзини бир неча кун шундоқ ёнида савдо қилган Т.исмли йигитга кўтара берган экан. «Чорсу»да сотиб, пулини бир ҳафтада тўғрилаб бераман деганича, бир ойдан ошса ҳамки, дараги йўқ эмиш...

- Ўзим ўрани очиб, қоплаб, машинага ортиб берибман-а... Шу ерда сотсам бўларди-ку...

Шу пайт ўрта ёшлардаги бир киши ўша Т. исмли йигитни суриштириб келиб қолди. Т. унинг бир камаз карамини «кўтара олган» экан... Бир-икки кун ўтгач, Отчопарда савдо қилувчи 16-17 ёшлардаги икки йигитча ҳам Т.ни ахтариб келишиб, уч кунда қайтариш шарти билан 40 минг сўм олганини айтишибди. Хуллас, фирибгар Т.га «чув» тушганлар сони қозирча 5-6 кишига етди.

«Ҳаёт ва қонун» журнадининг янги - иккинчи сонида Салима Қиличеванинг «Узингга эҳтиёт бўл...» мақоласини ўқиб ушбу ҳангомалар ёдимга тушди. Муаллиф жуда ҳаётий муаммони қаламга олган. «Соддадил одамларимиз, деб ёзади у - бозор иқтисоди мураккабликларини, аниқ қонунчилик асосларини билмаганлари сабаб гоҳ-гоҳ оғир аҳволга тушиб қолишаётир. Ана шундайлар номидан таҳририятимизга тез-тез мактублар келади, қўнғироқ қилиб маслаҳат сўрашади, оғзаки мурожаат қилишади. Берган пулингиз ҳақидаги ҳужжат нотариал идорада расмийлаштирилган бўлса ҳуқуқий ҳужжат бўлади, - деган жавобдан сўнг улар ўйга толиб, кўзларига оғир дард соя ташлагандек бўлади, бу иложсизлик дардига ўхшайди. Яқинда шундайлардан бири:

«Унинг тилхати ҳуқуқий кучга эга бўлмаса, қонун идоралари мени ҳимоя қилмаса, нима қилишим керак, демак, уни уришим, яъни жиноят содир этишим керак. Шундайми?» дейишгача бориб етди. Мақолада бундай саволларга мутахассиснинг асосли жавоблари келтирилган.

«Ҳаёт ва қонун»нинг февраль сонида бугунги куннинг энг долзарб масалалари ёритилган яна бир қатор мақолаларни ўқиймиз. Улар орасида Т.Ҳайдаровнинг «Ҳуқуқий давлатчилик мезони», Ё.Вафоеванинг «Бош қонун - ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати», М.Рустамбоевнинг «Саломатликка тажовуз ва унга қарши кураш», Э.Саидовнинг «Қонун устуворлигининг моҳияти», Н.Салаевaнинг «Жиноятларни очишда криминалистиканинг аҳамияти», Х.Маматовнинг «Ҳуқуқий маданият - инсон камолоти таянчи» мақолалари мавзунинг кенг ва чуқур ўрганилганлиги, мазмундорлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, «Мерос», «Фахрли тарих», «Талқин», «Мазхабимиз асосчиси» рукнлари остида берилган профессор З.Исломовнинг «Темур тузуклари»да қокимият», профессор Ҳ.Бобоев ва доцент С.Ҳасановнинг «Жалолиддин Мангубердининг давлатни бошқариш сиёсати», Г.Пиржановнинг «Бердақ ижодида инсон ҳуқуқлари ва адолат», О.Масалиевaнинг «Бухоро амирлигида давлат бошқаруви», А.Шарқий-Жузжоний қаламига мансуб «Абу Ханифа ва унинг ҳуқуқий мактаби» каби мақолалардаги илмий асосли далиллар, фикр-мулоҳазалар, янгича талқин ва таклифлар эътиборингизни тортиши аниқ.

Янги сон саҳифаларидан жой олган «Бировнинг ҳақи» (С.Сиддиқов), «Кўнглимизда очилган гуллар» (Ф.Саидназарова) сингари ҳалоллик ва инсоний меҳр-оқибатга чорловчи мақолалар ҳам сизни бефарқ қолдирмайди. Ниҳоят, Сайёр қаламига мансуб «Қон изи» қиссасининг давомини ҳам қизиқиш билан ўқийсиз, деган умиддамиз.

**А.ХЎЖАМОВ**

***- Хотинимни сиҳатгоҳга жўнатишим жуда қимматга тушди-ю, лекин харажатлар ўзини оқлади.***

***- Нима яхши даволанибдими?***

***- Э йўқ, хотиним сиҳатгоҳдан қайтмади, холос!..***

**Жаҳонгир МИРЗО**

**KELGUSI SONDA:**

## «КАКРАС» МУТАХАССИС-ДА!

***Қумқўрғон тумани мактабларида ҳуқуқ дарсидан ҳуқуқшуносликдан йироқ муаллимлар дарс ўтмоқда***

## ҲАЗИЛ ЭМАС... ҲАҚИҚАТ

***Ўпишинг, биринги кинони бепул кўрасиз***

*Bir kuni*

# АВВАЛИГА ЎЗИМ ҲАМ ИШОНДИМ

Умр бамисоли оқар сув... У манзилга етгунича не-не воқеа-ҳодисалар бўлмайди, дейсиз. Инсон ҳаёти ҳам шундай.

Хуллас, гапни кўп чўзмай, умримнинг олтин даври бўлмиш талабалик йилларимнинг бир куни ҳақида ҳикоя қилсам.

Адашмасам баҳор ойларининг бири, аниқроғи март эди. Ўшанда дорилфунуннинг 4-босқичида ўқирдим. Нима бўлди-ю, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрига тўйга борадиган бўлдим. Тошкентдаги Самарқанд автобус шоҳбекатига келдим. Автобус жўнашига ҳали вақт бор экан. Вақт ўтказиш учун айланиб юрган эдим, олдимга кўҳликкина бир қиз келиб, салом берди. Аллақандай шошиб алик олдим. Афтидан талабага ўхшайди, қўлида дипломати ҳам бор. Исми Наргиза экан. У қўлидаги дипломатини менга узатиб: «Йўлимиз бир экан, насиб қилса бирга кетамиз», дея патта олгани кассага қараб юрди.

Гапнинг қисқаси, ҳалиги қиз ўша кириб кетганича қайтиб чиқмади. Автобус жўнашга ҳозирланаяпти. Нима қилиш керак? Дипломатини ўзим билан олиб кетсамми ё бирор жойга қўйиб кетаймикин? Тўғриси, нима қилишни билмай, бошим қотди. Ҳайрият, ишимни худо ўнглади: қаршимда милиция ходими пайдо бўлди. Унга бўлган воқеани тушунтирдим-да, ўзимни қўзғалаётган автобусга урдим. Ич-ичимдан хурсанд бўлиб, хиргойи қилиб юбордим. Ахир, қизнинг омонатини ишончли кишига бердим-да. Бироқ қувончим узоққа чўзилмади. Манзилга 20 чақирим қолганда автобусни милиция ходимлари тўхтатишди. Шоҳбекатдаги милиция ходими йўловчиларга бирма-бир қаради. Кейин менинг олдимга келди-да, «Ука, пастга тушинг, сизда иш бор» деди. Илигим қалтираб пастга тушдим. Нарироқда уч-тўрт милиция ходими турибди. Уларнинг унвони каттароғи «дипломат сеникими» деди. Гап ҳалиги қиз берган дипломат ҳақида кетаётганини англаб «Йўқ, меники эмас, бир қизники, уни биринчи бор кўришим, танимайман» дедим. У бўлса бошини қимирлатиб, «бўлмаса гап бундоқ автобус кетаверсин, сен биз билан қоласан» деди. Мен тўйга боришим кераклигини айтгандим, «тўйга ўзимиз олиб бориб қўямиз, ташвишланма» дея қўлимга дипломатни тутқазиб, уни очишни буюрди. Очиб не кўз билан кўрайки, ичи тўла доллар! Устида икки калима хати ҳам бор: «30 км.даги эски кўприкда кутамиз». Хуллас, милиционерлар менга тушунтиришди. Ноилож хатда кўрсатилган жойга бордим. Улар кўприк яқинидаги тепалик орқасига яширинишди. Негадир бу дунё билан хайрлашаётгандай ҳис этдим ўзимни. Милиция ходимларининг «ука, сенга ҳеч нарса бўлмайди, агар бирор ножўя ҳаракат бўлса, ўзингни пастга ташла» деган гаплари қулоғим остида жаранглайди. Кўприкдан пастга қарадим: ариқда сув йўқ. Шағал ва қумлар кўринади. «Эҳ, қандай кунларга қолдинг, тўйга бориб нима қилардинг?» Ниҳоят, қора рангли, ойналари ҳам қорайтирилган «Мерседес-Бенц» маркали машина пайдо бўлди. Ундан барзанги бир йигит билан ҳалиги қиз тушиб, мен томон кела бошлади. Юрагимнинг уриши тезлашиб, қўлим қалтирай бошлади. Қўлимдаги дипломатни ҳам ташлаб юборишимга оз қолди. Йигит бироз нарида, қиз эса олдимга келиб тўхтади ва «Ҳа, йигитча! Мен сизни ўғил бола деб ўйлагандим. Сиз бўлса... орқангиздан ҳув анави яшириниб турганларни эргаштириб юрибсиз» деди-да қўлимдан дипломатни олиб орқасига қараб юра бошлади. Барзанги йигит эса мени ўлдирмоқчи бўлиб чўнтагидан пистолетини чиқарди. Қўрққанимдан жон ҳолатда кўприкдан пастга сакрадим...

Кўзимни очсам полда ётибман... Бурним салгина лат еган, холос. аввалига касалхонадаман деб ўйладим. Бироз ўзимга келиб билдимки, мен ўз хонамдаман. Бўлган воқеалар ҳаммаси тушим экан. Кўприкдан эмас, кароватдан йиқилган эканман.

**Баҳодир ҲАМИДОВ**



*Самарқанд шаҳридаги «Сўғдиёна» ошхонаси хўрандалари асосан ҳуқуқ-тартибот, солиқ тизими ходимларидир. Бу ерда тайёрланаётган шарқу-ғарб таомлари уларга жуда манзур бўлаётир.*

*СУРАТДА: ошпазлар Баҳриддин Муҳаммедов, Фурқат Юсупов ва Меҳирож Мақсудовлар мижозлар хизматида.*

**Суратлар муаллифи: Нурмамат АЛМУРОДОВ**

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Сафар НАЗАРОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Зайниддин ИСЛОМОВ
Ҳамза ЗОКИРОВ
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-0221. Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи:
А. ХЎЖАМОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
Ж. ТОҒАЕВ
терувчи:
М. ДЎСТОВА

МАНЗИЛИМИЗ:700047 Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5. Телефон, факс: 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.